

4. НЕФТЬ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 4.1. Нефть махсулотларининг миқдори ва сифати бўйича қабул қилиб олиш куйидагича амалга оширилади:
 а) «Етказиб берувчи» нефть базасидан «Истеъмолчи» вакилининг нефть махсулотини олиб чиқиши қабул қилиш ҳужжатларини ўрнатилган тартибда расмийлаштириш орқали;
 б) «Истеъмолчи» транзит орқали махсулотларни қабул қилишда амалдаги миқдор ва сифат йуриқномаларига (П-6, П-7) асосан иш юритади.
 4.2. Эгаллик ҳуқуқи, тасодифий нобуд бўлиши, махсулотга зиён етиш хавфи «Етказиб берувчи» корхонаси ҳудудидан чиққан вақтдан бошлаб «Истеъмолчи» га ўтади.
 4.3. Нефть махсулотларини миқдор ва сифати бўйича «Истеъмолчи», «Ишлаб чиқариш техника ва халқ истеъмоли молларини миқдори ва сифат жиҳатдан қабул қилиб олиш тартиби тўғрисида» ги йуриқномага ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларга амал қилинади.

5. МАХСУЛОТ СИФАТИ

- 5.1. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини олаётган вақтда жойида махсулотнинг сифати ва миқдорини текшириб олади.
 5.10. Етказиб бериладиган махсулот сифати Давлат стандартлари ва техник шартларга мос бўлиши ҳамда бу махсулот ортиш ва қузатувчи ҳужжатларда қайд этилиши лозим.
 5.11. Нефть махсулотларини олган истеъмолчи уларнинг сифатини шунингдек сифат паспортини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Шартноманинг ҳар бир бажарилмаган бандлари учун томонлар моддий жавобгардир.
 6.2. «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи» га сифати Давлат стандарт ва техник шартларга жавоб берадиган нефть махсулотларини етказиб беришни кафолатлайди. Ҳар икки томон нефть махсулотларини етказиб бериш ва қабул қилишда амалдаги 1510 ва 2517 Давлат стандарти талаблари асосида иш юритади.
 Нефть махсулотларини ҳисоб — китоби ва тарқатилиши амалдаги қонун ва меъёрлар асосида амалга оширилади.
 6.3. «Истеъмолчи» нефть махсулотларини сақлашнинг техникавий шарт- шaroитлари ва хавфсизлиги учун амалдаги қонунларда назарда тутилган тартибда жавоб беради.

6.4. «Истеъмолчи» томонидан унинг ҳудудига олиб келинган нефть махсулотларининг қабул қилишда амалдаги ёнгин ва техник хавфсизлиги талаб ва меъёрлари тўлиқ амал қилиниши таъминланади.

6.5. «Истеъмолчи» белгиланган муддатда олинмаган ва етказиб берилган нефть махсулотларини олишдан сабабсиз бош тортганлиги учун «Етказиб берувчи»га олинмаган махсулот умумий қийматининг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлаётган бўлади ва Етказиб берувчи олинмаган махсулот учун махсулотнинг тўлиқ қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

6.6. Ушбу шартнома бирон бир шартнинг бажарилмаганлиги учун жавобгарлик белгиланмаган бўлса, у ҳолда мазкур бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси фуқаролик Кодексига ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги қонунга биноан қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАР

- 7.1. Ҳар икки томон ҳам куйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганликда жавобгарликка тортилмайдилар:
 - агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, zilzila ва бошқалар оқибатида юз берса.
 - нефтникайта ишлаш заводлари, «Ўзбекистон темир йуллари» ДАЖК айби билан, шунингдек юқори ташкилотлар томонидан етказиб бериш ҳажми ва муддати ўзгартирилганда, шунингдек АЁҚШлар ва нефть база фаолияти текширувчи органлар томонидан вақтинчалик тўхтатиб қўйилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа қонунни белгилувчи ташкилотлар қарорига асосан нефть махсулотларини етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

8. ҚўШИМЧА ШАРТЛАР

8.1. _____XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX _____XXXXXXXXXXXXXXXXXXXXX
 _____XXXXXXXXXXXX

9. НИЗОЛАРНИ КУРИБ ЧИКИШ ВА ШАРТНОМАНИНГ АМАЛДА БЎЛИШINI ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

- 9.1. Мазкур шартнома киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, ҳар иккала томон имзолагандан кейингина ҳақиқий ҳисобланади.
 9.2. Мазкур шартноманинг бажарилишида юзага келадиган ҳар қандай тортишув келишмовчиликлар иккала томоннинг ўзаро музокараси йўли билан ҳал этилади. Иккала томон мустақил ҳал эта олмайдиган баъзи масалалар белгиланган тартибда иктисодий судларида ҳал этилади.
 9.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг ҳуқуқий кучга эга.
 9.4. Шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ҳудудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Истеъмолчи»

«Тўрақўрғон нефть базаси» МЧЖ Уйчи филиали

Х/р: 22604000204267762705

МФО: 00432 ИНН: 204585174

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ

Тошкент ш. Яшнобод филиали

Уйчи туман Ровот ШФЙ Хожиобод МФЙ

Янги арик куча 1-уй тел: 95-300-38-96

Директор: _____ Д.Раззақов

ИСБ бошлиғи: _____ И.Рахимов

Бош ҳисобчи: _____ Р.Хусанов



Шортон туман 1-сон КСОБ-

Хушоб мактабиди

Х/Р 10000360142367092901079001

МФО 00014 ИНН: 200064209

Банк Шортон туман 1-сон КСОБ

Тел: 69-41-21-606

Шортон туман 1-сон КСОБ

Хушоб мактабиди



_____ Рахбар

Хуқуқий ҳуқуқсиз: Мазкур шартнома шартлари Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодексига ва Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни талабларига зид эмас.

Хуқуқшунос: _____ Х.Мухсидинов